



МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРДАГИ ХАТОЛИКЛАРНИ АНИҚЛАШДА ТАҲЛИЛИЙ АМАЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Чориев Исроил Хамзаевич,

PhD, катта ўқитувчи, Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи

Тошкент молия институти, Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: uslubiy@tfi.uz

METHODOLOGICAL ASPECTS OF USING ANALYTICAL OPERATIONS TO IDENTIFY ERRORS IN FINANCIAL STATEMENTS

Choriev Israel Khamzaevich,

PhD, lecturer teacher, Head of Educational and Methodological Department

Tashkent Institute of Finance, Tashkent, Uzbekistan

E-mail: uslubiy@tfi.uz

JEL Classification: M1, M4, M41

Аннотация. Ушбу мақолада рақобатдош иқтисодиёт шароитида республикамизда аудиторлик хизматлари сифатини оширишда, таҳлилий амаллардан фойдаланишнинг назарий ва амалий жиҳатлари ёритилган. Жумладан, молиявий ҳисоботдаги асосий фаолият билан боғлиқ хатоликларни аниқлашда фойдаланиладиган нисбий кўрсаткичлар таҳлил эилган. Молиявий ҳисоботда нотўғри маълумот бериш эҳтимолини оширадиган ва мумкин бўлган фирибгарликни кўрсатадиган ҳолатларнинг асосий хавф омиллари аниқланган.

Abstract. The article describes the theoretical and practical aspects of the use of analytical procedures in improving the quality of audit services in the conditions of a competitive economy in our republic. In particular, the relative indicators used to identify errors related to the main activities in the financial statements were analyzed. The main risk factors of situations that increase the likelihood of misstatements in

financial reporting and indicate possible fraud are identified.

Калим сўзлар: аудиторлик хизматлари, таҳлилий амаллар, молиявий коэффициентлар, корхона молиявий ҳолатининг экспресс таҳлили.

Key words: audit services, analytical operations, financial ratios, express analysis of the company's financial situation.

Кириш.

Ўзбекистон Республикасида барча соҳаларда рақобат муҳити ҳукм сураётган бир шароитда аудиторлик хизматлари бозорида ҳам рақобатдош фирмаларнинг вужудга келиши бугунги куннинг долзарб масаласига айланди. Аудиторлик фаолиятининг рақобатдошлиғи улар кўрсатадиган хизматларнинг сифати ҳамда ушбу хизматлар нархи билан белгиланади. Аудиторлик фаолиятининг сифатини оширишда, унинг меҳнат ҳамда вақт сифimini қисқартиришда таҳлилий амаллардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Таҳлилий амалларни қўллаш орқали молиявий ҳисоботлардаги “хатар

зона”ларини аниқлаш асосида аниқланмаслик хатари минималлашади, аудиторлик текширувининг сифати ошади ҳамда харажат сифими қисқаради.

“Таҳлилий амаллар” номли 520-сонли халқаро аудиторлик стандартига мувофиқ, аудитор режалаштириш босқичида ҳам, якуний босқичида ҳам, аудитнинг бошқа босқичларида ҳам таҳлилий амалларни қўллаши керак. Ҳозирги вақтда аудиторлик текширувининг оддий тартиби молиявий (бухгалтерия) ҳисоботларининг ишончилиги тўғрисида етарли фикрни шакллантиришга имкон бермайди. Мазкур стандартга кўра, “Таҳлилий амаллар” молиявий ҳамда номолиявий маълумотлар орасидаги боғлиқликни ўрганиш орқали молиявий ахборотни баҳолашдан иборат [8]. Таҳлилий амаллар бошқа тегишли маълумотларга зид бўлган ёки тахмин қилинган маълумотлардан тубдан фарқ қиладиган аниқланган оғиш ва муносабатларни ўрганишни ҳам ўз ичига олади. Таҳлилий амаллар муҳим коэффициентлар ва тенденцияларни, уларнинг сўнгги ўзгаришлари ва ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш орқали бошқа тегишли маълумотлардан ёки олдиндан аниқланган (башорат қилинган) қийматлардан оғишишларини ўрганишни назарда тутаяди. Кўрсаткичлардаги муҳим оғишишлар шу моддаларни муфассал ўрганишни тақозо этади. Бу орқали аудитор асосий эътиборини хатар даражаси юқори бўлган моддаларга қаратади ва ортиқча текширувларни қисқартиради.

Аудиторлик ташкилотлари томонидан молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини аниқлашда икки муҳим жиҳатга эътибор бериш зарур. Биринчидан, молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисобини юритиш ва

ҳисоботни тайёрлаш бўйича белгиланган меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида тузилган бўлиши керак. Иккинчидан, молиявий ҳисоботда акс этган маълумотлар реал асосга эга бўлиши, яъни объектив маълумотни акс эттириши керак.

Ҳаққоний бўлмаган маълумотлар билан боғлиқ муаммолар ва уларни қандай аниқлаш мумкинлиги бугунги кунда долзарб бўлиб қолмоқда, чунки молиявий ҳисоботни нотўғри тақдим этиш унинг барча фойдаланувчилари (сармоядорлар, қарз берувчилар, қарз олувчилар, компания раҳбарлари)га хавф туғдиради. Халқаро аудит стандартларида, шунингдек, маҳаллий ва хорижий экспертларнинг ишларида молиявий ҳисоботлардаги хатоликлар турлари ва уларни аниқлаш усуллари кўриб чиқилган. Корхона фаолияти узлуксизлигини баҳолаш принципига мувофиқлигини ўрганишда таҳлилий амаллардан фойдаланишга катта эътибор берилади. Фаолият узлуксизлигини таҳлил қилиш - бу корхонанинг инқироз шароитлари намоён бўлишини олдиндан кўриш учун уринишдир. Узоқ муддатли истиқболда ташкилот фаолиятининг узлуксизлигини баҳолаш келажакда хўжалик юритувчи субъектнинг самарали фаолиятига таҳдидни билдирувчи белгиларни аниқлашнинг асосий усулларида бири ҳисобланади. Ҳозирги шароитда, ахборотдан фойдаланувчилар учун корхона яқин келажакда ўз фаолиятини амалга оширишга қодир бўлган ишончли, сифатли ва ошқора маълумотлар алоҳида аҳамиятга эга.

Юқоридагилардан келиб чиқиб эътироф этиш жоизки, молиявий ҳисоботдаги хатоликларни аниқлашда таҳлилий амаллардан фойдаланиш услубиётини такомиллаштириш бугунги кунда ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан

долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Материал ва метод.

Аудиторлик ташкилотлари томонидан молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини аниқлашда таҳлилий амаллардан фойдаланиш масалалари кўплаб ўзбекистонлик ҳамда хорижлик олимларнинг ишларида ўз аксини топган. Бироқ уларнинг илмий тадқиқотларида аудиторлик фаолиятида таҳлилий амаллардан фойдаланиш масалалари алоҳида илмий йўналиш сифатида тадқиқ этилмаган.

Э.А.Аренс ва Дж.К.Лоббек фикрича, таҳлилий амаллар молиявий ҳамда номолиявий маълумотлар орасидаги эҳтимолий муносабатларни ўрганиш асосида молиявий ахборотни баҳолаш, жумладан молиявий ҳисобот маълумотларини аудитор томонидан аниқланган кутиладиган кўрсаткичлар билан таққослашни англатади[3].

А.И.Бурькин таҳлилий амаллар - аудиторлик амалларининг бир тури бўлиб, корхона фаолиятининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари орасидаги муносабатларни аниқлаш, баҳолаш ва таҳлил қилишда намоён бўлади, деб эътироф этган[4].

М.В.Мельник ва В.А.Когденко фикрича, аудитда иқтисодий таҳлил - бу молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлигини баҳолаш, корхона фаолияти узлуксизлигини ҳамда бошқарув самарадорлигини баҳолаш мақсадида унинг жорий ҳолатини тадқиқ қилиш, шунингдек корхонанинг фаолиятининг молиявий, ишлаб чиқариш ҳамда бозордаги ҳолати бўйича ривожланишининг муҳим жиҳатларини прогноз қилиш каби комплекс амаллардан иборат[9].

Натижалар. Хатолар сабабли ҳисоботни бузиш фактларини аниқлаш

ташкilot фаолиятининг асосий молиявий кўрсаткичлари ўртасидаги муносабатларни ўрганишга асосланган бўлиб, таҳлилий амаллардан фойдаланиш таҳлил қилинган кўрсаткичлар ўртасидаги аниқ сабаб-оқибат муносабатларнинг мавжудлигига асосланади. Аниқланган оғишишларнинг муҳимлиги икки босқичда аниқланади: биринчидан, пул қийматидаги муҳимлик даражаси аниқланади (унинг ёрдамида ахборотдан фойдаланувчилари томонидан қабул қилинадиган қарорга таъсир кўрсатадиган энг муҳим ҳисобот моддалари аниқланади). Иккинчидан, кўрсаткичлар ўртасидаги нисбатнинг ноодатий оғишишини баҳолашга асос бўладиган оғишиш фоизининг юқори даражаси белгиланади. Кўрсаткичларнинг кутилган қийматларидан сезиларли оғишишлар мавжуд моддалар аудиторлик текшируви давомида батафсил текширишлар йўналишларини кўрсатади.

Шундай қилиб, агар ноодатий оғишишлар молиявий ҳисоботнинг муҳим моддаларида аниқланса, мазкур моддалар риск зонаси сифатида белгиланади. Корхона молиявий (инвестициялар ҳажмининг ўзгариши, устав капиталидаги иштирокчилар улушининг нисбати ўзгариши), таркибий (қайта ташкил этилиши, таркибий тузилиши ўзгариши, ишлаб чиқариш йўналишининг ўзгариши) ва фаолиятидаги бошқа ўзгаришлар бўлмаган тақдирда кўрсаткичлар ўртасидаги нисбатларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир ҳисобланади. Агар ушбу ўзгаришлар юз берса, унда улар ташкилотнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичларига қандай таъсир қилишини ва кўрсаткичлар ўртасидаги аниқланган нисбатлар қандай ўзгаришини баҳолаш талаб этилади.

Кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш ва миқдорий

баҳолаш жараёнида қуйидаги шартларга риоя қилиш зарур:

1. Кўрсаткичларнинг ноодатий оғишишларини аниқлашда, фақат молиявий ҳисоботга таъсири жиҳатидан аҳамиятли бўлган моддаларни таҳлил қилиш керак. Қиймати жиҳатидан аҳамиятсиз бўлган кўрсаткичлар кўпроқ тебранишларга дуч келишига қарамасдан, уларнинг ноодатий фарқланиши муҳим бўлса ҳам, улар ҳисоботнинг ишончилигига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин эмас.

2. Кўрсаткичларнинг ноодатий оғишишларини аниқлаш учун рентабеллик, ликвидлик, тўлов қобилияти, товар айланмаси каби иқтисодий таҳлилнинг классик коэффицентларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки мазкур коэффицентларга кўплаб омиллар таъсир қилади ва бу ўрганилаётган кўрсаткичнинг ноодатий оғишиши қайси омил билан боғлиқлигини аниқлашга имкон бермайди. Масалан, сотиш рентабеллигининг сезиларли пасайишига моддий харажатларнинг ошиши, иш ҳақи интенсивлиги, маҳсулотнинг амортизация интенсивлиги, шунингдек нархларнинг пасайиши сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун фойданинг умумий кўрсаткичидан кўра, хусусий кўрсаткичларнинг ўзгаришларини ўрганиш тўғри бўлади. Шундай қилиб, ноодатий оғишишларни аниқлашга имкон берадиган кўрсаткичлар тизимида кўрсаткичларга алоҳида омилларнинг таъсирини алоҳида ажратиб кўрсатишга имкон берадиган нисбатлар киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Корхонанинг иқтисодий фаолиятини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимида маълум бир иерархия ва кетма-кетлик мавжуд. Ушбу тартибни корхонанинг

молиявий ва номолиявий кўрсаткичлари тизимида белгилаш керак, яъни биринчи мустақил (аниқловчи) кўрсаткичларни, сўнгра ўзгариши мустақил кўрсаткичларнинг ўзгариши билан бевосита боғлиқ бўлган биринчи даражадаги қарам кўрсаткичлар рўйхатини, кейин эса динамикаси биринчи даражадаги қарам кўрсаткичларнинг динамикаси билан белгиланадиган иккинчи даражадаги қарам кўрсаткичлар рўйхатини ва бошқаларни аниқлаб олиш керак. Шундай қилиб, боғлиқликлар бир даражадан иккинчисига ўтиш тартибида кетма-кет белгиланиши керак.

Кўрсаткичлар орасидаги боғлиқлик қарам кўрсаткичларнинг мустақил кўрсаткичлар билан алоқаси сифатида шаклланади, кўрсаткичлар ўртасидаги асосий алоқаларни тавсифлайди ва батафсил маълумот олиш имконини беради (1,2,3-жадваллар). Шунини таъкидлаш керакки, кўрсаткичлар ўртасидаги барқарор муносабатлар асосий, инвестиция ва молиявий фаолият турлари бўйича алоҳида шаклланади. Фаолият турлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тавсифловчи кўрсаткичларни барқарор деб ҳисоблаш мумкин эмас, чунки уларнинг мақсади ҳисоботни нотўғри тузиш фактларини аниқлаш эмас, балки бизнес тўғрисида тушунчаларни шакллантириш, фаолият узлуксизлигини ва самарадорликни баҳолашдир.

1,2,3-жадвалларда келтирилган белгиланган нисбий назорат кўрсаткичлари ҳисоботларнинг ишончилигини баҳолашда фойдаланилиши мумкин ва бу нафақат хатолар, балки фирибгарликлар туфайли ҳам бўлиши мумкин.

Молиявий ҳисоботдаги асосий фаолият билан боғлиқ хатоликларни аниқлашда фойдаланиладиган нисбий кўрсаткичлар¹

Молиявий ҳисобот шакллари ва кўрсаткичлар	Асосий фаолият билан боғлиқ айрим нисбий назорат кўрсаткичлари
<p><i>Бухгалтерия баланси:</i> захиралар; дебиторлик қарзлари; кредиторлик қарзлари; келгуси давр даромадлари; келгуси давр харажатлари резерви. <i>Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот:</i> тушум; сотилган маҳсулот таннархи; сотиш харажатлари; маъмурий харажатлар; бошқа операцион харажатлар; маҳсулот сотишдан ялпи фойда; тўланадиган фоизлар; муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ҳисобдан чиқариш. <i>Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот:</i> устав капитали; қўшилган капитал; резерв капитали; келгуси давр харажатлар ва тўловлар резерви. <i>Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот:</i> асосий фаолиятнинг пул тушумлари; асосий фаолиятнинг пул чиқимлари.</p>	<p>Хом ашё захиралари/Моддий харажатлар Тайёр маҳсулот захиралари/Сотилган маҳсулот таннархи Келгуси давр харажатлари/Сотилган маҳсулот таннархи Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга кредиторлик қарзлари/ Моддий харажатлар Ходимлар олдидagi кредиторлик қарзлари/Меҳнат ҳақи бўйича харажатлар Бюджетдан ташқари фондлар бўйича кредиторлик қарзлари/Ижтимоий суғурта ажратмалари Солиқ ва йиғимлар бўйича кредиторлик қарзлари/Солиқ ва йиғимлар бўйича ҳисоблашишлар учун йўналтирилган пул маблағлари Таъсисчилар билан ҳисоблашишлар бўйича кредиторлик қарзлари/Ҳисобланган дивидендлар Олинган аванслар/Тушум Сотиб олинган моддий қийматликлар бўйича ҚҚС/ Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга кредиторлик қарзлари Харидор ва буюртмачиларнинг дебиторлик қарзлари/Тушум Берилган аванслар/Моддий харажатлар Тўловга лаёқатсиз дебиторлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарарлар/ Харидор ва буюртмачиларнинг дебиторлик қарзлари Моддий харажатлар/Тушум Меҳнат ҳақи харажатлари/Тушум Бошқа операцион харажатлар/Тушум Маъмурий харажатлар/Тушум Сотиш харажатлари/Тушум Шубҳали қарзлар резерви/ Харидор ва буюртмачиларнинг дебиторлик қарзлари Харидор ва буюртмачилардан келиб тушган пул маблағлари/Тушум Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланган пул маблағлари/Моддий харажатлар Меҳнатга ҳақ тўлашга йўналтирилган пул маблағлари/Меҳнат ҳақи харажатлари Бюджетдан ташқари фондларга йўналтирилган пул маблағлари/Ижтимоий суғурта ажратмалари</p>

Мумкин бўлган хатолар ноодатий оғишлар билан кўрсатилади. аниқланган нисбатлар қийматидаги Бирок, хатолардан фарқли ўларок,

¹ Тадқиқот натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

фирибгарликлар кўрсаткичларнинг салбий ноодатий ўзгаришларига сабаб бўлади. Бундан ташқари, кўрсаткичлар ўртасидаги нисбатларни ҳисоблаш ва ўрганиш орқали мижоз корхона бизнесини, унинг асосий қонуниятлари ва хусусиятларини тушуниш жараёни осонлашади.

Коеффициентлар, шунингдек, бизнес юритиш самарадорлиги ва узлуксиз фаолиятнинг эҳтимоли қайси йўналишда ўзгаришини ва бу ўзгариш қанчалик муҳимлигини аниқлашга имкон беради. Коеффициентлар фақат молиявий ҳисоботнинг муҳим кўрсаткичлари бўйича таҳлил қилиниши керак.

2-жадвал

Молиявий ҳисоботдаги инвестицион фаолият билан боғлиқ хатоликларни аниқлашда фойдаланиладиган нисбий кўрсаткичлар²

Молиявий ҳисобот шакли Молиявий ҳисобот кўрсаткичлари	Инвестицион фаолият билан боғлиқ айрим нисбий назорат кўрсаткичлари
<p><i>Бухгалтерия баланси:</i> Узоқ муддатли активлар; Асосий воситалар; Номоддий активлар; Узоқ муддатли инвестициялар; Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар. <i>Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот:</i> фоизлар шаклидаги даромадлар; дивидендлар шаклидаги даромадлар; бошқа корхоналар устав капиталида қатнашишдан олинган даромадлар; бошқа операцион даромадлар; ҳамкорликдаги фаолиятдан олинган даромадлар. <i>Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот:</i> резерв капитали; келгуси давр харажатлар ва тўловлар резерви. <i>Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот:</i> инвестицион фаолиятнинг пул тушумлари; инвестицион фаолиятнинг пул чиқимлари.</p>	<p>Амортизация/Асосий воситалар ва номоддий активларнинг бошланғич қиймати Номоддий активлар амортизацияси/Номоддий активлар бошланғич қиймати Асосий воситалар амортизацияси/Асосий воситалар бошланғич қиймати Олинадиган фоизлар/Қарз қимматли қоғозларга жалб қилинган маблағлар Бошқа корхоналар устав капиталида қатнашишдан олинган даромадлар/Бошқа корхоналар уставига қўйилган маблағлар Асосий воситалар ва бошқа узоқ муддатли активларни сотишдан даромадлар/Асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активларнинг бошланғич қиймати Қимматли қоғозлар ва бошқа узоқ муддатли инвестицияларни сотишдан тушум/Қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий қўйилмалар Олинган фоизлар/Фоизлар шаклидаги даромадлар Олинган дивидендлар/Дивидендлар шаклидаги даромадлар Узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларни сотиб олиш/Қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий қўйилмалар</p>

Аниқланган асосий қонуниятлар юқоридаги нисбатлар ёрдамида, шунингдек қуйидаги методлардан фойдаланган ҳолда таҳлил қилинади:

1. Асосий, инвестиция, молиявий фаолиятнинг ҳар бирини тавсифловчи

кўрсаткичларнинг ўсиш суръатларини таҳлил қилиш. Таҳлил фаолият турлари бўйича амалга оширилади ҳамда мустақил ва боғлиқ кўрсаткичларнинг ўсиш суръатлари ўртасидаги мослик аниқланади. Бундай ҳолда, бир

² Тадқиқот натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган



кўрсаткичнинг иқтисодий моҳияти бўйича ўзгариши бошқа кўрсаткичнинг ўзгаришига мос келмаса, потенциал риск зонаси сифатида баҳоланади. Масалан, даромаднинг аҳамиятсиз ўсиши билан моддий харажатларнинг сезиларли даражада ошиши қайд этилди. Бундай ҳолда, аудитор таққосланган даврларда хўжалик юритувчи субъект томонидан қўлланилган бухгалтерия ҳисоби методологиясининг ўзига хослигига ишонч ҳосил қилиши керак.

2. Фаолият турлари бўйича кўрсаткичлар ўртасидаги регрессия муносабатларини ўрганиш. Ўтган даврларнинг ҳақиқий маълумотлари асосида қурилган регрессия моделлари ташкилотнинг қутилаётган кўрсаткичларини ҳисоблаш учун асос бўлиб, кейинчалик улар ўрганилаётган даврнинг ҳақиқий қийматлари билан таққосланади, шу асосда ҳақиқий кўрсаткичларнинг ишончилиги аниқланади.

3-жадвал

Молиявий ҳисоботдаги молиявий фаолият билан боғлиқ хатоликларни аниқлашда фойдаланиладиган нисбий кўрсаткичлар³

Молиявий ҳисобот шакли Молиявий ҳисобот кўрсаткичлари	Молиявий фаолият билан боғлиқ айрим нисбий назорат кўрсаткичлари
<p><i>Бухгалтерия баланси:</i> Устав капитали; Сотиб олинган хусусий акциялар; Қўшилган капитал; Узоқ муддатли кредит ва қарзлар; Қисқа муддатли кредит ва қарзлар. <i>Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот:</i> Устав капитали; Қўшилган капитал. <i>Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот:</i> молиявий фаолиятнинг пул тушумлари; молиявий фаолиятнинг пул чиқимлари. <i>Балансдан ташқари счётларда ҳисобга олинган қийматликларнинг мавжудлиги тўғрисида маълумот:</i> Олинган мажбурият ва тўловларнинг таъминоти</p>	<p>Акциялар чиқаришдан ёки хусусий капитал билан боғлиқ бўлган бошқа инструментлардан келган пул тушумлари/Устав капиталининг ўсиши Узоқ ва қисқа муддатли кредит ва қарзлар бўйича пул тушумлари/ Узоқ ва қисқа муддатли кредит ва қарзларнинг кўпайиши Олинган мажбурият ва тўловларнинг таъминоти/Мажбуриятлар(ички қарзлардан ташқари) Олинган қарзлар бўйича гаровга қўйилган мулк/Мажбуриятлар(ички қарзлардан ташқари)</p>

Хатолар туфайли молиявий ҳисоботларни бузиш белгиларини аниқлаш алгоритми қуйидаги босқичлар билан ифодаланиши мумкин:

1. Йирик молиявий инвестициялар, таркибий ва бошқа ўзгаришларнинг мавжудлиги сабабли корхона фаолиятини дастлабки таҳлил қилиш. Бундай ўзгаришлар кўрсаткичлар

ўртасидаги барқарор муносабатлар бузилишига олиб келади ва шунинг учун кўрсаткичларнинг ноодатий оғишишларини аниқлашга қаратилган таҳлилий амаллар ёрдамида молиявий ҳисоботдаги хатоларни аниқлаш жараёни анча мураккаблашади.

2. Ўтган даврларнинг муҳим боғлиқ ва мустақил кўрсаткичлари

³ Тадқиқот натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

ўртасидаги муносабатларни баҳолаш ва таҳлил қилиш, барқарор муносабатларни аниқлаш ва уларнинг сифат ва миқдорий хусусиятларини белгилаш. Ушбу муносабатларни нисбатларни таҳлил қилиш, ўсиш суръатларини таққослаш ва регрессион боғлиқликларни таҳлил қилиш усуллари асосида ўрганиш.

3. Таҳлил қилинаётган даврнинг ҳақиқий кўрсаткичларининг ўтган давр, режа, прогноз, ўртача тармоқ каби кўрсаткичлардан оғишишини ҳисоблаш. Кўрсаткичларнинг сезиларли оғишишларини аниқлаш (оғишишларнинг муҳимлиги мезонлари - амалдаги даражанинг 25% дан кўпроғи) ва шу асосда хатолар сабабли молиявий ҳисоботларнинг бузилишининг риск зоналарини аниқлаш. Кўрсаткичларнинг сезиларли оғишиш сабабларини, шу жумладан корхона ходимларини сўрови орқали ўрганиш.

Молиявий ҳисоботда хатолар сабабли бузилиш белгилари йўқлиги ҳақидаги хулоса қуйидаги шартлар билан асосланиши керак:

молиявий ҳисобот шакллариининг изчиллиги;

назорат нисбатларининг белгиланган қийматларидан оғишишларининг аҳамиятсизлиги.

Хатолар сабабли молиявий ҳисоботдаги бузилишларларни аниқлаш эҳтимоли фирибгарликлар сабабли бузилишларни аниқлаш эҳтимолидан юқори, деб ҳисобланади. Чунки фирибгарлик одатда уларни яширишга қаратилган ҳаракатлар билан амалга оширилади. Шу билан бирга, ушбу қараш ҳисоботларни нотўғри тузиш фактларини аниқлашнинг бухгалтерия жиҳатларига тааллуқлидир, чунки таҳлилий амалларда фирибгарлик ва хатоларни аниқлаш эҳтимоли деярли тенг. Ноқонуний

ҳаракатлар корхона фаолияти кўрсаткичларининг ўтган даврларга ва шу каби ташкилотларнинг кўрсаткичларига нисбатан ноодатий пасайишига, ресурслар унумдорлигининг пасайишига ва ишлаб чиқариш салоҳиятининг пасайишига олиб келади. Ушбу тенденциялар таҳлилий амаллар ёрдамида осон аниқланиши мумкин.

Ноқонуний хатти-ҳаракатлар корхонанинг мол-мулки ва фойдасини ноқонуний ўзлаштиришда, корхонанинг зиммасига мажбуриятларни асоссиз равишда юклашда, солиқ тўлашдан бўйин товлаш мақсадида солиқ солинадиган кўрсаткичларнинг яширилишида намоён бўлади. Ноқонуний ҳаракатлар хўжалик фаолияти кўрсаткичларининг пасайиши, баланс ва даромадлар тузилмасининг бузилиши, ресурслар унумдорлиги кўрсаткичларининг пасайиши, корхона харажатларининг ошиши ва солиқ юқининг пасайишига сабаб бўлади. Фирибгарлик, лаёқатсиз бошқарув туфайли ишнинг била туриб самарасиз олиб борилиши, шунингдек, самарасиз бозорлардаги корхона фаолияти каби хусусиятларга эга бўлиши мумкин. Шунинг учун таҳлилий амалларни қўллаш жараёнида корхона фаолиятининг самарасизлиги сабабларини аниқлаш керак.

Хулоса. Ўрганишлар натижасида, молиявий ҳисоботда нотўғри маълумот бериш эҳтимолини оширадиган ва мумкин бўлган фирибгарликни кўрсатадиган ҳолатларнинг асосий хавф омиллари қуйидагилардан иборат, деган хулосага келинди:

1. Мулк эгалари томонидан корхона бошқаруви устидан назорат етишмаслиги, яъни бошқарувнинг катта ваколатлари эгалари томонидан бошқариш воситаси билан тартибга солилмаган вазият. Бундай ҳолда,



менежмент фаолияти корхонанинг фойдаси ва мол-мулкни ўзлаштиришга йўналтирилган бўлиши мумкин.

2. Бозорда юқори даражадаги рақобат, бу корхонанинг харажатларини қисқартириш зарурлигига олиб келади, шу жумладан ҳисоботларни бузилишига олиб келадиган фаол солиқларни оптималлаштириш зарурати.

3. Соддалаштирилган солиққа тортиш тизимидан фойдаланадиган корхоналар билан операцияларни амалга ошириш. Бундай корхоналарга бериладиган солиқ имтиёзларидан фойдаланган ҳолда, корхоналар улардаги солиқ базаларини (мол-мулк, даромад, ходимлар) акс эттиради.

4. Солиқ кодексини қасддан ва жиддий равишда бузадиган ва шу сабабли узоқ вақт давомида ишламайдиган «бир кунлик корхоналар» билан битимлар тузиш натижаси бўлиши мумкин бўлган асосий контрагентлар (етказиб берувчилар, харидорлар, хизмат кўрсатувчи учинчи томон ташкилотлари)нинг тез-тез ўзгариши.

5. Бизнеснинг асоссиз равишда

мураккаб ташкилий тузилмаси, бу ҳолда молиявий натижалар ва активлар гуруҳ аъзолари ўртасида ҳаракатланиши мумкин, бу эса айрим аъзоларни таҳлил қилишни қийинлаштиради. Бундан ташқари, бундай тузилиш бизнеснинг ҳақиқий эгасини аниқлашни мураккаблаштиради.

6. Тузилган шартномаларнинг ўзига хос шартлари, хусусан, муддатсиз тўловларни кечиктириш, харидорнинг ўз вақтида тўламаганлиги ва бошқалар учун жавобгарликнинг йўқлиги.

Ҳисоботларни бузиш белгиларини аниқлаш учун «Молиявий кўрсаткичларнинг стандарт оғишиш харитаси» деб номланган кўрсаткичлар тизими қўлланилади (проф. Мессод Бениш томонидан ишлаб чиқилган). Кўрсаткичларга, масалан, активлар сифат кўрсаткичлари, даромадлар тузилмаси кўрсаткичлари, молиявий левеиж кўрсаткичлари киради. Кўрсаткичлар ўтган даврларнинг мос қийматлари ёки эталон кўрсаткичлар қийматларига нисбатан кескин ўзгарган тақдирда, ҳисоботни бузиш фактлари мавжуд, деб тахмин қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 2021 й. 25 феврал, ЎРҚ-677-сон, <https://lex.uz/docs/5307886>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3946 - сонли қарори.
3. Аренс Э.А., Лоббек Дж.К. Аудит / пер. с англ. М.: Финансы и статистика, 2003.
4. Бурыкин А.И. Аналитические процедуры в аудите // Аудиторские ведомости. 2003. № 10. с. 15-18.
5. Аудит ва сифат назоратининг халқаро стандартлари. 2012 йил нашри. I қисм.2-жилд. Тошкент: ЎБАМА, 2014.-1039 б. Б.623.
6. Бычкова С.М., Итыгилова Е.Ю. Международные стандарты аудита: учеб.пособие. М.ТК Велби, Изд-во Проспект. 2008.-432с.



7. Дусмуратов Р.Д. “Аудиторлик фаолияти: назария, услубиёт ва амалиёт”. Т.: “Молия” нашриёти, 2007. 108-бет.
8. Жарылгасова Б.Т., Суглобов А.Е. Международные стандарты аудита : учебное пособие / 3-е изд., стер. - М.: КНОРУС, 2007. - 400 с
9. Мельник М.В., Когденко В.Г. Экономический анализ в аудите. Учебное пособие. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. –543 с.
10. Петрик О.А. Аудит: методология и организация. Монография/ -К.:КНЕУ, 2003. -260 с.
11. Попель Ольга Юрьевна, ассистент аудитора ЗАО "МКД", г. Санкт-Петербург. Аналитические процедуры и их значение в аудите. 31 декабря 2002 г. <https://www.audit-it.ru/articles/audit/a104/40719.html>
12. Чориев, И. «Вопросы использования аналитических процедур на начальном этапе аудита». Экономика И Образование, т. 1, вып. 3, июнь 2020 г., сс. 107 https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4405.